КАФОЛАТ ДАВРИДА БУЗИЛИШЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШ МАҚСАДИДА АВТОМОБИЛНИНГ ТЕХНИК ҲОЛАТИНИ ТЕКШИРИШ

Жамшид Зокир ўғли Тожиев
“Транспорт воситалари муҳандислиги” кафедраси
Жиззах политехника институти
E-mail: tojiyevjamshid1992@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола транспорт воситаларининг техник ҳолатини текшириш учун зарур бўлган техник диагностика, техник прогноз ва техник генетикага бағишланган бўлиб, кафолатли техник хизмат кўрсатиш даврида техник генетикани қўллаш афзалликларига бағишланган.

Калит сўзлар: кафолат даври, техник прогноз, техник генетика, техник диагностика, ейилиш, абразив ейилиш.

CHECKING THE TECHNICAL CONDITION OF THE VEHICLE TO PREVENT DAMAGES DURING THE WARRANTY PERIOD

Jamshid Zokir ugli Tojiyev
The department of “Vehicle Engineering”
Jizzakh Polytechnic Institute
E-mail: tojiyevjamshid1992@gmail.com

ABSTRACT

This article is devoted to technical diagnostics, technical forecasting and technical genetics, necessary for checking the technical condition of vehicles, and the advantages of using technical genetics during warranty service.

Keywords: warranty period, technical forecast, technical genetics, technical diagnostics, wear, abrasive wear.

КИРИШ

Автомобилларда кафолат даврида бузилишларни олдини олиш учун, мунтазам ва тартибли равишда автомобилнинг техник ҳолатини текшириб бориш зарур. Бунинг учун автосервис корхонаси барча керакли асбоб-ускуналар, диагностик стендлар ва технологик жихозлар билан таъминланган бўлиши керак. Бундан ташқари автомобилларда кафолат даврида энг кўп учраётган

нуқсонларни ўрганиб, уларни олдини олиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш зарур. Бундан кўзланган мақсад автосервис корхонаси омборидаги эҳтиёт қисмлар заҳирасини шу маълумотлар асосида тўғри ташкил қилиш ва автомобилларда кафолат даврида энг кўп учраётган нуқсонлар ҳақида автомобил ишлаб чиқарувчи заводни ҳабардор қилиш орқали мавжуд камчиликларни бартараф этишдир.

Шахсий автомобил эгалари кўпинча сервис корхоналарига кирганларида автомобил бўйича бажариладиган ишларни танлаб ўтказадилар. Бундай ҳолатлар кафолат даврида бўлиши қатъиян ман этилиши керак, чунки айрим нуқсонлар текширилмай ўтиб кетиши мумкин. Шу сабабли кафолат даврида сервис корхонасига кирган ҳар бир автомобилнинг агрегат ва тизимлари бўйича техник назорат ишлари ўтказилиши шарт. Дунёнинг автомобилсозлик соҳаси бўйича энг илғор мамлакатларидан бири бўлган Германияда автосервис корхонасига кирган ҳар бир автомобил (шахсий ёки давлат автомобили, кафолат даврида ва ундан кейин) тўлалигича техник кўрикдан ўтказилиши шарт қилиб белгиланган. Бундан кўзланган асосий мақсад инсонлар ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш ва уларнинг автомобилларини узоқ йиллар давомида ишончли хизмат қилишини таъминлашдан ҳамда фирманинг мавқеини оширишдан иборат.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Автомобилларда учрайдиган носозликлар турлича бўлиб, уларнинг келиб чиқиш омиллари ҳам турличадир. Кафолат даврида учрайдиган бузилишларнинг келиб чиқиш манбаи бўйича 4 турга бўлинади:

Конструктив бузилишлар -Автомобилни лойиҳалаш ва моделлаштириш даврларида йўл қўйилган хатоликлар натижасида вужудга келади. Бундай бузилишлар, асосан, автомобилнинг кафолат даврида аниқланади (агрегат, механизм, деталларнинг белгиланган муддатдан анча олдин ишдан чиқиши ҳамда ТХК ва ЖТ ишларини ташкил этишнинг қийинлашиши ва бошқалар)

Технологик бузилишлар -Техник шартларнинг асоссизлиги; технологик жараённинг ишончсизлиги; технологик нуқсонларнинг учраши ва бошқалар. Бундай бузилишлар автомобилнинг кафолат даври ичида, мослашув жараёнида намоён бўлади (деталларнинг дарз кетиши, синиши ҳамда созлаш ва қотириш бирикмаларидаги нозосликлар ва бошқалар)

Эксплуатацион бузилишлар -Бу турдаги бузилишлар эксплуатация даврида элементларнинг ишлаш муддати чегаравий ҳолатга етганда ёки автомобилдан фойдаланиш вақтида техник ҳужжатларда келтирилган тартиботларга риоя этмаслик натижасида вужудга келади (ҳаддан ташқари

юклаш, рухсат этилмаган ёнилғи, мой материалларини қўллаш ва ўз вақтида техник хизмат кўрсатмаслик оқибатида деталларнинг ейилиши, куйиши, синиши ва бошқа сабабларга кўра алмаштирилиши)

Табиий бузилишлар -Бу автомобилни лойиҳалаш, конструкциялаш, эксплуатацияси бўйича белгиланган қоида, меъёрларга риоя қилинганида табиий эскириш, ейилиш, занглаш ва чарчаш жараёнлари натижасида вужудга келадиган бузилишдир тормоз, илашув механизмларининг устқўймалари, кузов элементлари ва ҳ.к. алмаштирилиши)

НАТИЖАЛАР

Кафолат даврида учрайдиган бузилишлар турлича бўлишига қарамасдан, кафолатли хизмат фақатгина конструкцион ва технологик сабабдан вужудга келган бузилишларга кўрсатилади.

Объектнинг техник ҳолатини аниқлашдаги масалалар қуйидагилардан иборат:

1) *техник диагностика* масалалари;

2) *техник прогноз* - олдиндан айтиб бериш масалалари;

3) *техник генетика* – келиб чиқиш масалалари.

Агар техник диагностиканинг вазифаси жорий вақт ичида объект техник ҳолатини аниқлаш, техник прогнознинг вазифаси эса келажакда кутиладиган объект техник ҳолатини ва ўтказиладиган техник таъсир ёки диагностика даврийлигини олдиндан айтиб бериш бўлса, техник генетиканинг вазифаси объектнинг аввалги вақтдаги техник ҳолатини аниқлашдан иборат (масалан, объектнинг авария олди ҳолати).

Техник ҳолатни прогноз қилиш – транспорт воситаси техник ҳолатини келгуси вақт оралиғи учун берилган эҳтимоллик билан аниқлаш. Прогнозда объектнинг ҳозир бошланадиган ҳолатлари ривожининг эҳтимолий йўллари аниқланади.

Транспорт воситасининг замонавий ривожланиш босқичида ҳар бир транспорт воситасининг техник ҳолатини алоҳида прогнозлаш лозим. Эксплуатация жараёнида ўтказиладиган прогнозлаш ҳар бир транспорт воситасининг ўзига хос шартлари ва эксплуатация хусусиятларини ҳисобга олиш имконини беради. Бу масалаларнинг ечимлари транспорт воситасига профилактик хизмат кўрсатишни режалаштириш ва ўтказиш, юрилган йўл бўйича эмас, реал техник ҳолат бўйича қўлланиши керак.

МУҲОКАМА

Ечиш усуллари бўйича техник прогноз техник генетика билан чамбарчас боғлиқ. Техник генетика – бу транспорт воситаси техник ҳолатини берилган эҳтимоллик билан ўтган вақт интервали учун аниқлаш. Йўл-транспорт ҳодисаларини (ЙТҲ) текшириш, кафолат эксплуатацияси даврида юзага келадиган бузилишлар билан боғлиқ бўлган даъвогарлик ишлари олиб бориш ёки тадқиқ масалаларини ҳал қилишда техник генетикага зарурат туғилади. Бундай ҳолларда транспорт воситасининг ҳозирги вақтдаги техник ҳолати бундан бирмунча олдинги, бузилиш ёки ЙТҲ сабаблари вужудга келиши натижасидаги ҳолатидан фарқ қилади.

ХУЛОСА

Автосервис корхоналарини юқори даражадаги аниқликка эга бўлган диагностик стендлар ва технологик жиҳозлар билан таъминлаш, техник генетиканинг ривожланиши учун самарали лойиҳаларни амалга ошириш, ишчилар малакасини мунтазам ошириб бориш, яъни уларни илғор мамлакатлар тажрибалари билан таништириш, керак бўлса уларни чет мамлакатларда ўқиш учун юбориш каби тадбирлар зарур ҳисобланади. Юқорида келтирилганларнинг барчаси аввало хизмат сифатини яхшиланишига, хизматлар тан нархларини камайишига, автосервис корхонасини иш унумдорлигини ошишига ва шу орқали автомобил ишлаб чиқарувчи заводни обрўси ва даромадини ошишига, охир оқибат мамлакатимиз автомобил саноатини тобора ривожланишига олиб келади

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ishonchlilik nazariyasi va diagnostika asoslari: Oliy o’quv yurtlari bakalavrlari uchun darslik./A.A. Tojiboyev, Q.M. Sidiqnasarov, K.I. Ibrohimov, N.V. Kusnetsov, T.: “Extremum-Press” 2015. 296 b.
2. Автомобиллар техник эксплуатацияси. Қайта ишланган ва тўлдирилган русча 4-нашридан (проф. Кузнецов Е.С. таҳрири остида. М.:Наука 2004й. 535 б.) таржима проф. Сидиқназаров Қ.М. умумий таҳрири остида, Тошкент “VORIS-NASHRIYOT”, 2006. – 670 б.
3. Адилов, А. К., Сувонкулов, Ш. А., Кулмурадов, Д. И., Умиров, И. И., & Бойжигитова, И. А. (2019). Причины изменения технического состояния автомобиля. *Актуальные научные исследования в современном мире*, (1-2), 116-118.

4. Адилов, О. К., Умиров, И. И., & Уразов, Б. А. (2020). Методика определения деталей, критических по надежности автомобилей. *Academic research in educational sciences*, (1).
5. Умиров, И. И. Ў., & Ҳамрақулов, Ё. М. (2020). Автомобиллардан чиқаётган газсимон чиқиндиларнинг атмосферага аралашиши. *Academic research in educational sciences*, (1).
6. Нуруллаев, У. А., & Умиров, И. И. У. (2020). Создание программных средств автоматизированной информационной системы транспортных предприятий. *Academic research in educational sciences*, (1).

REFERENCES

1. Ishonchlilik nazariyasi va diagnostika asoslari: Oliy o'quv yurtlari bakalavrlari uchun darslik./A.A. Tojiboyev, Q.M. Sidiqnasarov, K.I. Ibrohimov, N.V. Kusnetsov, T.: "Extremum-Press" 2015. 296 b.
2. Автомобиллар техник эксплуатацияси. Қайта ишланган ва тўлдирилган русча 4-нашридан (проф. Кузнецов Е.С. таҳрири остида. М.:Наука 2004й. 535 б.) таржима проф. Сидиқназаров Қ.М. умумий таҳрири остида, Тошкент "VORIS-NASHRIYOT", 2006. – 670 б.
3. Адилов, А. К., Сувонкулов, Ш. А., Кулмурадов, Д. И., Умиров, И. И., & Бойжигитова, И. А. (2019). Причины изменения технического состояния автомобиля. *Актуальные научные исследования в современном мире*, (1-2), 116-118.
4. Адилов, О. К., Умиров, И. И., & Уразов, Б. А. (2020). Методика определения деталей, критических по надежности автомобилей. *Academic research in educational sciences*, (1).
5. Умиров, И. И. Ў., & Ҳамрақулов, Ё. М. (2020). Автомобиллардан чиқаётган газсимон чиқиндиларнинг атмосферага аралашиши. *Academic research in educational sciences*, (1).
6. Нуруллаев, У. А., & Умиров, И. И. У. (2020). Создание программных средств автоматизированной информационной системы транспортных предприятий. *Academic research in educational sciences*, (1).